

Маълумки, замонавий фан иккита турли денгизлар туташганда, уларнинг ўртасида бир тўсик бўлишини аниқлади. Ушбу тўсикнинг вазифаси ҳар икки денгизни ажратиб туришдир. Уларнинг ҳар бирининг ўз ҳарорати, шўрлиги ва зичлиги бўлади. Мисол учун, Медитерриан денгизи суви илик, шўр бўлиб, Атлантика океани сувига караганда зичлиги пастдир. Медитерриан денгиз суви Гибралтар тоғ этагидан ошиб Атлантика океанига кўшилар экан, ўзининг иликлиги, шўрлиги ҳамда кам зичлиги хусусиятларини йўқотмаган ҳолда қарийб 1000 метр океан тубига кириб боради. Ушбу денгиз суви шу чуқурликда ҳам барқарор туради. (1-расм). Устига-усти денгиздаги кўплаб тўлқинлар, кучли тебранишлар ҳамда сувларнинг баланд-пастга кўтарилиб туриши ушбу тўсикни бузиб ўтмайди ёки уларнинг ўзаро аралашиб кетишига сабаб бўла олмайди.



Расм 1. Медитерриан денгиз суви Гибралтар тепалиги оша Атлантика океанига куйилар экан, ўзининг иликлиги, шўрлиги ҳамда паст зичлигини саклаб қолади. Чунки улар ўртасидаги тўсик бунга йўл кўймайди.

Юқоридаги ҳолат фандан маълум. Фан буни тасдиқлаган.

Куръоннинг куйидаги икки оятида икки денгиз туташган жойда тўсик (парда) бўлиши ҳамда сувлар уни бузиб ўтмаслиги хабари келади. Аллоҳ дейди:

﴿مَرَجَ الْبَحْرَيْنِ يَلْتَقِيَانِ﴾

﴿يَنْهَمَا بَرزَخٌ لَّا يَبْغِيَانِ﴾

«У Зот икки денгиз-дарёни бир-бирлари билан учрашадиган ҳолларида (ёнма-ён)

окизиб кўйди. У иккисининг ўрталарида бир тўсик бўлиб, улар (ўшандан) ошиб ўтмади» . (55:19-20)

Аммо Куръон чучук ва шўр сув ўртасидаги ажратувчи нарса хакида сўз юритаркан, ўша тўсикда «такикловчи девор» (кўринмас парда) мавжудлигини зикр қилади. Аллох Куръонда дейдики:

وَهُوَ الَّذِي مَرَجَ الْبَحْرَيْنِ هَذَا عَذْبٌ فُرَاتٌ وَهَذَا مِلْحٌ أُجَاجٌ
وَجَعَلَ بَيْنَهُمَا بَرْزَخًا وَحِجْرًا مَّحْجُورًا ﴿٥٣﴾

«У икки денгиз-дарёни буниси чучук-ширин, униси шўр-аччик қилиб оқизиб қўйган ва уларнинг ўртасида тўсик-тугон ва кўринмас парда қилиб қўйган Зотдир». (25:53)

Замонавий фан дарёнинг чучук ва денгизнинг шўр суви туташадиган «қуйилиш жойларида» икки денгиз туташадиган ҳолатлардан бир мунча фарқ қилишини аниқлаган. Ушбу деворда (ажратувчи зона) чучук ва шўр сувлардан фарқли ўларок бошқача чучуклик мавжуд бўлади(2-расм).



Расм 2. Сувнинг қўйилиш жойида шўрлик акс эттирувчи узунлик қисми. Бу ерда шўр ва чучук сув ўртасидаги ажралиш ҳолатни кузатамиз.

Ушбу маълумотга технология ривожланиш асрига келиб тараккийлашган асбоб-ускуналар ёрдамида харорат, чучуклик ва зичлик даражаси, кислород эрувчанлигини кузатиб ўлчаб кўриш оркалигина эришилди. Инсон кўзи иккита денгиз туташганда ўртасидаги фаркни кўриш имконига эга эмас, тўғрироғи, ўша иккита денгиз бизга бир хил ёки бир денгиздек туюлади. Худди шунингдек, инсон кўзи дарёнинг куйилиш жойлардаги сув оқидамида чучук сув, шўр сув ҳамда ўртадаги деворни (парда) кўриши мумкин эмас.